O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KHOTIRALAT

Ислом КАРИМОВ:

ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРАДИ, УНИНГ РУҲИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ, ИРОДАСИНИ БАҚУВВАТ, ИЙМОНИНИ БУТУН ҚИЛАДИ.

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
9 MAY
PAYSHANBA
№ 57 (26.916)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

1999 ЙИЛ 2 МАРТ.

«9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

1999 ЙИЛ 30 АПРЕЛЬ.

«9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

1999 ЙИЛ 9 МАЙ.

Мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Хотира майдонидаги мангулик китобида II жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин юртдошларимиз номлари абадий муҳрланди.

2000 ЙИЛ 25 АВГУСТ.

«Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди.

2001 ЙИЛ 22 АВГУСТ.

«Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди.

2002 ЙИЛ 3 МАЙ.

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

НОМЛАРИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

Қутлуғ кунларда туман ҳокимлигининг ташаббуси ва ҳомийларнинг ҳаракати билан Олтинкўлда Хотира ва Қадрлаш мажмуи барпо этилди.

Миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлигида бунёд этилган янги зиёратгоҳ қадрият ва инсонийлик тимсолидир. Икки томони кенг, узун, кўркам, баланд айвоннинг марказида урушга кетган жигаргўшасини остонада интизорлик билан кутаётган муштипар Она сиймоси қад ростлаган. Айвоннинг кўринарли жойига иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ҳалок бўлган 2568 олтинкўллик йигитларнинг номлари зарҳал ҳарфларда битилган.

Зиёратгоҳ мажмуини тумандаги 101-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамоаси қуриб битказди. Савобли ишга Олтинкўлдаги корхона, ташкилот, хўжалик, муассасалар ва хусусий тадбиркорлар ихтиёрий равишда кўмак кўрсатдилар.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида янги зиёратгоҳга кўпчилик ташриф буюрмоқда.

— Кўпчиликнинг мадади билан жуда савобли иш қилинди, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳакимжон ота Раҳимов. — Турсунбой ота Мирзаев билан қуролдош дўстларимизни хотирлаб бу ерга келдик. Назаримда, жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошларимиз худди қаторимизда тирикдек...

Ҳакимжон ота айтганидек, олтинкўлликларнинг ҳамжиҳатлиги ва ўтганларни хотирлаши туфайли бунёд этилган зиёратгоҳ иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аскарларнинг жасорати боқий ва инсоний қадриятларнинг мангулигини намоён этиб турибди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЁДГОРЛИК ОЧИЛДИ

Сирдарё шаҳрида иккинчи жаҳон уруши оловларида қурбон бўлган мард ўғлонлар хотирасига Мотамсаро она ҳайкали ва мармар тошларга жангчиларнинг исм-шарифлари битилган ёдгорликни очиш тантанаси бўлиб ўтди. Беомон жангларда қатнашиб, айни кезда кексалик гаштини сураётган 155 нафар уруш фахрийлари, туман ва вилоят жамоатчилиги вакиллари тантанада ҳозир бўлдилар.

— Қарияларни қадрлаш йилидаги Хотира ва Қадрлаш куни кексаларимиз эсида бир умр қолса керак. — дейди туман ҳокими Абдурашид Синдоров. — Ҳукуматимиз Фармойишига кўра уруш фахрийларига 1,5 миллион сўм тарқатдик. Шунингдек, жамоалар ва ташкилотлар ҳомийлигида ҳар бир фахрийга биттадан гилам улашдик. Албатта, гап совғанинг катта-кичиклигида эмас. Асосийси — эътиборда. Буни фахрийларимиз тушуниб, англаб турганидан биз ҳам мамнунмиз.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

БОҚИЙ СЎЗ

Хотира — ўтмиш ва келажак ўртасидаги мустаҳкам кўприк. Уни ёв ишғол қилолмайди. У ўтда куймайди. Сувда чўкмайди. Авлодлар яшар экан, хотира ҳам боқий сўз бўлиб жаранглайди.

Қалбнинг энг баланд чўққиси хотира. Унга фақат беғуборлик йўли орқали ўтиб борилади. Хотираси бор инсонни, хотиротни улуғлаган халқни енгиб бўлмайди.

Аждодларнинг ўлмас руҳи кезиб юради. Уларнинг жасорати мангу қолади. Овози тошларни ёришга қодир бахшилар битган достонлар ўлмайди. Улар тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб яшайверадилар. Бу муқаддас хилқатларга эса хотиранинг оғир ва машаққатли йўллари элтади.

Ватанда гўдаклар туғилар экан. Осмон омон, Она Ер омон. Демак, хотира барҳаёт. У битилган кўзларимизга, сўзларимизга. Уни ўқимоқ учун, юрак уйғоқ, тафаккуримиз тийран, эътиқодимиз собит бўлмоғи керак.

Хотира — буюк мақсадларга, ойдин тонгларга сафарбар инсонга мангу машъала. Ўтмишда юз берган машъум хатолар, озодлик адашган кимсасиз йўллар, нажот деб чўзилган боболар қўли, хотиралар силсиласида сабоқ бўлиб садо беради. Англамоқ, тингламоқ керак.

Озодлик йўлини ёритар мудом — хотира. Аждодлар қудрати тўлқинлар каби ёш авлод қалбига келиб урилар. Мозий уйғонади улар ёдида. Буюк бир сўз жаранглайди, мамлакат узра. Истиқлолга устун бўлгудек «Тарихий хотирасиз келажак йўқ».

Мана шу пурмаъно фикр, боқий сўз хотиранинг мазмун моҳиятини очиб беради. Юртбошимиз томонидан ташланган қадам, тарих-хотира чироғи эканлигини яна бир бора бизга англатди.

Хотира бор экан, биз ўз-ўзимизни ёруғ йўлларимизни топамиз. Хотира бор экан, келажакнинг овози юксак, қадами қудрат. Хотира элнинг эллиги. Усиз яшаб бўлмайди.

Қадр — қалбимизнинг қадим қўшиғидир. Аслида бу тушунча минг йиллар давомида халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфасини англатиб келган. Қадрлаш орқали инсон комиллик мақомига эришади. Қадрлаш — ўзлигингни англаш йўлида қўйилган қадам. Қадрдан бошланади, аслида, инсоннинг маънавий баркамоллиги. Қадрлаш учун қалбда меҳр, оқибат, эзгулик бўлмоғи керак. Мана шу тушунча йўқолган жойдан барча умуминсоний тамойиллар узоқлашади. Қадр тарбияси кириб бормоғи керак оилага, маҳаллага, туман, шаҳарга. Мамлакатда боқий бўлмоғи керак шу калом.

Хотира ва Қадрлаш Президентимиз томонидан илк бор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мана уч йилдирки бу муқаддас кун шарафига бунёд этилган Хотира майдони одамлар билан гавжум. Улар бу ерга ўтганлар руҳига чуқур ҳурмат бажо келтириш учун ташриф буюрадилар. Мотамсаро она ҳайкали қошига гуллар қўядилар. Ватан умиди бўлган ёшларимиз ўтмиш ҳақиқатлари билан юзма-юз келадилар. Ўзбекнинг жасурлиги, қаҳрамонлиги, шоншуҳратидан фахрланадилар. Келажак орзуларини бойитадилар. Ватан сўзининг азизлиги, буюклигини яна бир бор ҳис этадилар.

Хотира ўтмишни унутмаслик, бугунги ҳаётимизни қадрига етиш, келажакка умид билан қарашдир.

Қадрлаш — миллий қадриятларимизни, ўтмиш гувоҳи бўлган табаррук отахону онахонларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, эзгуликнинг қадрига етишдир.

Ҳар иккала боқий сўз ҳукмрон бўлган мамлакатда эса Истиқлол абадийдир.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО**



Бу лавҳалар кеча Тошкентдаги Хотира майдонида суратга олинди

■ **Суратлар муаллифи Шавкат АКРАМОВ**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ВАЗИЯТ ҲАМОН КЕСКИН

Яқин Шарқда вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Яқинда Исроил қўшинлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган Тулкарм шаҳрига бостириб кирди. Армия вакилининг маълум қилишича, ушбу ҳарбий операция фаластинлик террорчиларни йўқ қилишга қаратилган.

ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИМПОРТИ ТАҚИҚЛАНДИ

Россия ветеринария хизмати Жанубий Кореядан чорвачиликнинг барча турдаги маҳсулотларини, Польшадан эса мол гўштини мамлакатга олиб киришни сешанба кунидан эътиборан тақиқлади. Бу ҳақда Россия қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ветеринария департаменти хабар тарқатди.

Тақиқловга сабаб Жанубий Корея чорвачилигида яшур касаллиги аниқланганлигидир. Польшадан мол гўшти келишининг чекловига сабаб эса у ерда сигирлар қутуриши кузатилган.

АҚШ ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛАДИ

Индонезияда ҳукумат билан айирмачи гуруҳлар ўртасидаги музокараларда АҚШ воситачилик қиладиган бўлди. Шу пайтгача ҳукумат можарони ҳал этиш ишига ҳеч кимни аралаштирмай келаётган эди. Энди Индонезия ҳукумати расмий Вашингтоннинг бош қўшиши муаммонинг ҳал этилишига ёрдам беради, деган умидда.

САМОЛЁТ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Покистон билан Афғонистон ўртасида ўзаро ҳаво алоқасини тиклаш борасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат шу ой охиридан бошлаб самолёт қатновини йўлга қўйишга келишиб олди.

ШИМОЛИЙ ҚУТБНИ ЗАБТ ЭТДИ

Сингапурлик таниқли сайёҳ Хо Сви Чо Шимолий қутбни забт этган жануби-шарқий Осиё мамлакатларидаги биринчи одамдир. У душанба куни қутбга байроқ қадаган.

37 ёшли бу сайёҳ Канада қирғоғидан қутбгача бўлган 770 километрлик масофани чанғида 45 кунда босиб ўтди. Хо Сви Чо қутбни забт этган дунёдаги тўртинчи сайёҳдир. У Ернинг иккала қутбини ва барча қитъалардаги энг баланд чўққиларни-да ишғол этган.

«ҲАВАС—2002»

Эртага пойтахтимизнинг «Яланғоч» даҳасидаги Тошкент шаҳар теннис марказида анъанавий «Ҳавас» турнири бошланади. Мусобақада Президент девони, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирлар, вазирлар ўринбосарлари, давлат қўмиталари, ассоциация, корпорация, концерн ва компаниялар раҳбарлари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпуслар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этадилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, барча вилоятлар ҳокимлари ҳамда ҳоким муовинлари ҳам кортга чиқишади.

Баҳсларда жами 108 нафар ҳаваскор теннисчи қатнашади. Иштирокчиларнинг 92 нафари жуфтлик, қолганлари эса шахсий биринчиликда ўзаро баҳслашадилар. 11 майда финал учрашувлари бўлиб ўтади.

ХОТИРА НАФАҚАТ ЎТМИШНИ УНУТМАСЛИК, БАЛКИ БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, ЭРТАНГИ КУННИ ТЎҒРИ ТАСАВВУР ЭТИШ, ДЕМАКДИР.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

Инсонийликни ушлаб турадиган таянч устунларидан бири — хотира. Ҳаётдан ўтган одам фарзанди борки, бу дунёда қолдирган азиз ишлари эсланади, эъзоз топади. Ортидан ёруғ из қолдирган кишининг барча яхши амаллари унинг иккинчи умрини ўтай бошлайди. Шунинг учун ҳам Инсон хотираси азиз ва муқаддас деймиз. Инсоннинг номи ўчмаслиги, шаъни ардоқланиши, руҳи поки олдида бош эгишимиз, асосан, у яшаб ўтган умрининг нечоғлик мазмун-моҳиятга эгалиги билан ҳам белгиланади.

Авлод-аждодлари билан фахрланган халқнинг эртанги куни ҳам файзли бўлади. Чунки, бу чархи дунда яхши ном қолдириб кетганларга ҳавасимиз ортади, уларнинг ишларини давом эттиришга жазм этамиз, бир гап билан айтганда, ўзимиз ҳам улардай умр кечиришга чоғланамиз. Биздан кейин ўғил-қизларимизнинг ҳам юзлари ёруғ бўлиши, «Эй, бу фалончининг ўғли ёки қизи, ота-онаси шундай одамлар бўлишган, шундай ажойиб ишларни қилишган...», деган самимий сўзларни эшитишлари учун ҳаракат қиламиз.

Биров кўприк қуради, кимдир боғ яратади, бошқа бир киши эса ўзи яшаётган жой ободончилигига улуш қўшади, хуллас ҳар ким ўз имконича бу ҳаётда из қолдиради.

Яқинда марҳум олим Жўрахон Абдуллаевнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида «Ҳақ йўлида ёниб...» деган китоби босмадан чиқди. Унда Юртбошимиз асарларида илгари сурилган ғоялар, жамиятимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва келажагимиз бўлган ёшлар маънавияти хусусида сўз боради. Китобни кўздан кечиркан-миз, Президентимиз асарларидан келтирилган цитаталар ва уларга берилган шарҳлар, ҳаётий мисоллар ўқувчи маънавиятини юксалтиришига ишонч ҳосил қиламиз.

Заҳматкаш олим ўз умри давомида битта монография, иккита рисола, ўттиздан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган эди. Бундан ташқари унинг «Мовароуннаҳр саййидлари», «Ҳақнома», «Панднома» сингари китоблари чоп этилган.

Жўрахон Абдуллаев ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида халқ таълими соҳасида турли лавозимларда ишлади. У киши табиатшунос олим, биология фанлари номзоди эди. Умрининг сўнгги кунларигача ёшлар маънавияти йўлида фидойилик қилди. Элдошлари ҳурматини қозонди. Бундай кишилар хотирасини эса ҳар биримиз тиниқ ва ёруғ кайфият билан эъзозлаймиз.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ХОТИРА – УЙҒОҚЛИГИ БИЛАН ГЎЗАЛ...

Ушбу суратни таҳририят архивидан топдик. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уни газетада чоп этишни жоиз билдик. Аммо суратдагиларнинг айримларини яхши таний олмадик. Шу боис газетамизга узоқ йиллар бош муҳаррирлик қилган Мақсуд ака Қориевга мурожаат этдик.

— Инсон тириклик чоғининг бирор дамини ҳам бекор ўтказмасликка, қўлидан келгунча ўзидан яхши ном, яхши эзгу ишлар қолдиришга интилади, — дейди у. — Суратдагиларнинг ҳар бири ана шундай меҳнат қилган инсонлардан. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, ҳассос журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Маъруф Назаров кўп йиллар таҳририятимизда қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган эди. У киши доим ёшларга: «Журналист тезкор, ташкилотчи, айни пайтда одамлар қалбига яқин сирдош бўлиши ва улар билан ишлай билиши ҳам лозим», деб уқтирарди.

Шунингдек, республикамиз журналистларининг яна бир устози, отахони, суюкли инсон Холбек ака Ёдгоров ҳам (оллоҳ марҳаматига олган бўлсин!) шундай мўътабар зотлардан бири эди. Зеро, хотира ўйғоқлиги билан гўзал!..

Суратда: *биринчи қаторда (чапдан) хўжалик раиси Маҳмуд Исматов, донгдор механизаторлардан Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев; иккинчи қаторда академик Маҳмуд Мирзаев, Мақсуд Қориев, муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоров ва бўлим мудири Маъруф Назаров.*

ЭЪЗОЗ

Отам Хожибек Мансуровнинг ёркин хотирасига бағишлайман

Сиздан бугун қолди яхши ном
Одамларни дилдан севгансиз.
Халқ меҳрига сазовор инсон
Қалбимизда тирик ҳайкалсиз!

Яшнайверсин, жаннатдек гуллаб
Бу муқаддас, Жиззах деган ер
Сизни бугун келиб, хотирлаб,
Таъзим қилиб, йиғилибди эл.

Одилликда ягона отам,
Виждон дилда бўлган ҳукмрон,
Инсон... Тақдир... Жиддий муаммо
Адолатли ечилган ҳар он.

Пок руҳингиз кезиб боғларни
Қуёш каби нурлар таратар
Мағрур турган Бахмал тоғларнинг
Ойқоридан бизни кузатар.

■ **Гулнора МАНСУРОВА,**
Тошкент юридик институти ўқитувчиси

УСТОЗ, СИЗ ДОИМ БИЗ БИЛАН...

— Илҳомжон ака, раҳматли (иллоҳо, жойлари жаннатдан бўлсин!) олтмиш ёшимни нишонлайман, ош бераман деб ният қилиб юрувди... Бирдан...

Эсласак, кўзимизга ёш келади. Шундай инсон орамиздан кетиб қолди-я... Эҳҳ...! Ҳалол, покиза, меҳрибон, куюнчак одам эди. Ҳаёт экан-да... Нафақат оиласи — беш нафар ўғил-қизлари, балки биз шогирдлари, ҳамкасблари учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, бу...

...Илҳомжон ака Исканжановнинг ўттиз йиллик ўқитувчилик фаолиятидаги юзлаб шогирдлари сафида биз ҳам борлигимиздан фахрланамиз. У ўтган асрнинг 71-йилида «Болаларда ўткир ошқозон касалликлари» бўйича ёқлаган номзодлик химоясининг ўзи тиббиёт фани оламида ноёб кашфиёт эди.

У Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини 1962 йилда битирган кезлариданоқ шу мавзу устида изланиш бошлади. Болалар жарроҳлиги кафедрасининг ассистенти вазифасига танлов йўли билан ўтди. 80-йилларда Москва, Санкт-Петербург (аввалги Ленинград) шаҳарларида бўлиб болалар тиббиёти сир-асрорларини ўрганди. Ўзиям олимисан — олим, дўхтирмисан — дўхтир эди-да... Тажриба ҳам, билим ҳам, салоҳият ҳам қиёмидаги инсон эди у.

Чарчоқлик нималигини билмасди. Гоҳ талабаларга маъруза ўқиётганида, гоҳ Педиатрия тиббиёт институти касалхонасида беморларга муолажа қилаётганда, гоҳ 14-Тошкент шаҳар болалар касалхонасида даволаш жараёнлари назоратида, шунингдек, яна учта жарроҳлик бўлимларида ҳафталик тиббий кузатувлар олиб бораётганда, турли хил стационарларда хасталанган болаларга энг зарур маслаҳатлар бераётганда учратардингиз у кишини. Боз устига кафедранинг иш режасига кўра, ота-оналар ва болалар орасида санитария-оқартув ишлари бўйича суҳбатлар, учрашувлар ўтказарди. Санитария-авиация йўли билан Қашқадарё вилоятига оталиқ ёрдамининг ташаббускори ҳам, амалиётчиси ҳам Илҳомжон Исканжанов эди. Маҳаллий ва марказий нашрларда 50 дан ортиқ илмий ишларини ўқиганмиз. Болалар жарроҳлигининг замонавий илмий-техника салоҳияти учун чинакам куюнчак, ортопедия, анестезиология соҳаларининг зуккоси эди.

Ўтганларни хотирлаш, руҳи покини шод қилиш — бизнинг миллий қадриятларимиз ҳисобланади. Аслида-ку, бу қадриятни тиклаган Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат.

Устозимизнинг беш нафар ўғил-қизлари (уларнинг уч нафари ота издоши) бугун падари бузруквори хотирасига ош бераяпти. Кўнглимиз бузилиб кетди. Димоғимиз тўлиб, кўзимизга яна ёш келди... Ортиқ ёзолмаяпмиз...

Устоз, Сиз доим биз билан биргасиз, Оллоҳ марҳамат қилган бўлсин. Омин!

Жамоа номидан

■ **Номоз ҚАРШИЕВ,**
Норбўта ҚУРБОНОВ,
Шуҳрат РАСУЛОВ

УМР МАЗМУНИ

Умр қисқа. Умр узун. Умр боқий. Умр бешафқат. Унинг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бор. Қисқалиги шундаки, кўз очиб юмгунча фоний дунёдаги сафаримиз қарийди. Ҳаётимиз ниҳоя топади. Узунлиги — инсон эзгу ишлари, содиқ амаллари билан мангуликка юз тутади. Ундан мерос яхшилик абадий яшайди. Бешафқатлиги — у жуда қисқа, ҳеч кимга қайта имкон берилмайди. Барчасига улгуриш зарур. Комиллик, яхши амаллар, бунёдкорлик, ҳалоллик, нафсга қул бўлмаслик, ортида шогирдлар ва солиҳ фарзандлар қолиши инсоннинг иккинчи умрига пойдевордир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали адлия маслаҳатчиси Юсуфбой Раҳмоновнинг номи хоразмликлар наздида адолат тимсолига айланган эди. У ҳаётини прокуратура соҳасини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишлади.

1969 йилда Урганч шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида ўз фаолиятини бошлаган қаҳрамонимиз, катта терговчи, вилоят прокуратурасида тергов бўлими бошлиғи, криминалисти, туман прокурори, вилоят прокурори ўринбосари, Хоразм вилоят прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуроринг биринчи ўринбосари даражасига етиб борган эди. У бу оғир ва машаққатли умр йўли давомида кўплаб қийинчиликларга дуч келди. Лекин барчасини меҳнат, касбига садоқати билан енгиб ўтди.

У зиёли инсон эди. Матбуотга эътибор билан қарар, журналистни қадрларди. Фикри тиниқ, қарашлари юксак Юсуфбой Раҳмонов Хоразмда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни мувофиқлаштирувчи кенгаш газетасига асос солди. «Муҳофаза» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нашрга айланди. Тез орада ўз ўқувчиларига эга бўлди.

Камтарлик, инсон тақдирига ҳурмат билан қараш, қабоҳатга, жиноятга қарши аёвсиз курашиш унинг ҳаёт мазмуни эди. У уни билганлар, кўрганлар, руҳий оламидан баҳра олганлар қалбида шундай хотира — оқибатли ном қолдирган, қолдира олган эди.

Хоразмнинг рамзий дарвозаси саналмиш Ҳазорасп тумани, ундаги сўлим гўша Питнак шаҳарчаси Юсуфбой Раҳмонов туғилган, улғайган маскан. Ҳамюртлари ундан қолган нурли хотиралар, савобли ишларни ардоқлашади.

Йўлдошбой Қурбонбоев, 17-ўрта мактаб директори:

— Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз тикланмоқда. Замонамиз қаҳрамонларининг образлари бадиий адабиётга, киноларга кўчиб ўтмоқда. Инсон хотираси, унинг ҳаёти давомида қилган эзгу ишлари, фарзандларимизга ўрнак сифатида кўрсатилиши керак. Биз ҳамшаҳримиз Юсуфбой Раҳмонов билан фахрланамиз. Мактабимизда таҳсил олган, бу инсоннинг номи биз учун жуда азиз ва қадрли. Ундан юртдошлари ва фарзандларига мол-мулк эмас, одамларга яхшилик қилиш мерос бўлиб қолди. Педагоглар жамоаси, ўқувчиларимизнинг хоҳиш-истаги шуки, мактабимизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Юсуфбой Раҳмонов номи берилса унинг порлоқ хотираси олдида биз тириклар ўз бурчимизни бажарган бўлардик.

Қувондиқ Раҳмонов, меҳнат фахрийси:

— Шаҳримиз оқсоқолларининг истаги ҳам шу, янги замонавий мактабимизга унинг номини берсак адолатли иш бўларди. Унинг хотираси абадийлаштирилса, туман ва вилоятдаги мутасаддилар бу масалага эътиборларини қаратса мақсадга мувофиқ бўларди.

Инсон хотираси азиз. У қалбларда сақланади. Ҳар бир кўнгилнинг ўз мулкига айланади. Юсуфбой Раҳмонов қисқа, лекин мазмунли ҳаёт кечирди. Умрининг энг гуллаган фасли — 57 ёшида вафот этди. У ўзидан фарзандларига, шогирдларига ҳуқуқшуносларга хос қатъият, изланувчанлик, донишмандлик ва одамийлик сабоқларини мерос қолдириб кетди.

Буюк мақсадларга
хизмат қилса ким,
Инсон биродарин
ўйласа агар,
Курашга бахш этса
бутун ҳаётин —
Ҳаёти тарихда қолар
муқаррар.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Бобонинг эти увишди. Қани таянчлари? Хўрлиги келди. Хизматчи аёл қариянинг кайфиятини тушунганди. Иссиқ чой дамлаб келди.

— Ота, чойдан ичинг. Кейин дам оласиз. Айтинг, бугун нима овқат қилиб берай?

— Умрингдан барака топ, қизим. Ўзингга маъқул бир нима пиширавер. Кекса одамга яхши гапдан бошқа нарса керак эмас.

— Хўп, ота. Мен бошқалардан ҳам хабар олай. Тағин келаман...

Поён бобо Боймуродов саксонга кирди. Қаровсиз қолмади. Мана, саховат уйида. Еб-ичишдан ками йўқ. Пенсиясини олиб турибди. Хизматчи аёлнинг муомаласи тош юракни ҳам эритади.

— Тўқсон тўртинчи йили қаровсиз қолган қариялар учун 20 кишига мўлжалланиб, 10 та уй қурилганди, — дейди Қамаши туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Саодат Ҳамидова. — Бошқа жойлардан фарқи шундаки, қариялар уй шароитини ҳис қилишлари кўзда тутилган. Ҳовли, ошхона ва бошқа шароитлар яратилган. Ҳозир 10 нафар қаровсиз қолган қария истиқомат қилаяпти. Уларга Адолат Тўраева хизмат кўрсатади. Алоҳида маош белгиланган. Қирқ беш ёшли бу аёл қариялларнинг хоналарини ўз уйидай ораста тутади. Супуради, овқат пишириб беради.

— Ёрдамга муҳтож қариялар анча бўлса керак?

— Одамларимиз оқибатли, — давом этади Саодат Ҳамидова. — Туман бўйича ҳозир 262 нафар ночор киши ҳисобда. Шундан 90 нафари бепул маҳсулотлар билан таъминланади. Умуман, қаровчисини йўқотган кексалар «Саховат уйи»га жойлаштирилади. Бу йил бу иморатларнинг томини янгилаш, алоҳида ҳаммом, ошхона қуришни режалаштирганмиз. Албатта, савобталаб инсонлар ҳам қараб туришмайди.

Бунга шубҳа йўқ. Мурувват офтобга ўхшаб кўнгилга ҳарорат бағишларкан. Буни умр дейдилар. Иссиғи, совуғи, яхши ва ёмон кунлари бор. Бугун қариялларни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, энг халқчил урфга айланган. Шу ўринда бир мулоҳазани айтмоқчи эдик. Туманларда Қамашидагидек ихчам, ўз ҳовлиси, боғи бор саховат уйлари керак экан. Бу катта маблағ талаб қилмайди. Энг муҳими, кексалар уй шароитини ҳис қилишади.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЙРЛИ ИЗЛАР

Нуроталиклар оддий чўпон Амирхон ака Бўриқуловни ҳурмат билан эслашади. Унинг умри Қизилқум яйловларида ўтди. Амирхон ака чўпон таёғини отаси Бўриқул Гулмуродовдан қабул қилиб олганди.

— «Ота изи — хайрли из» деганлари рост гап, — ҳикоя қилади «Нурота» ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Зайниддин Омонов. — Амирхон ака ҳам чўпонлик сир-асрорини отадан ўрганди. Ўгитларига қулоқ тутиб, яйлов кезди, қўйчивонлик қилди, тажриба орттирди. Боқимидаги отарида наслдор қўйлар суруви, қоракўл теріларнинг янги-янги навлари вужудга келди. У яратган олмос ранг қоракўл терилар Москва, Қозоғистон, Қирғизистондаги қоракўлчи олимлар ва мутахассислар диққатини тортди. 1990 йил айни шу қоракўл тери учун сафдошлари З. Омонов, О. Фишенко, О. Абдуллаев, А. Болтаевлар билан бирга муаллифлик гувоҳномасини олишга эришди. Ҳозир ўша олмос ранг сур терили қоракўл қўйлар хўжаликнинг асосий суруви — таянч отари бўлиб қолди.

Амирхон ака, раҳматли (Оллоҳ жойини жаннатдан қилган бўлсин!) сулола анъанасига кўра, чўпон таёғини учинчи авлод — ўғли Ўрозбекка топширди. У ҳам ҳозир турмуш ўртоғи Жарқиной Жумақулова билан бирга ота-бобоси касбини қадрлаб, жамоат чорваси ривожига ривож қўшяпти. Жорий йилда боқимидаги 577 бош она қўйнинг ҳар 100 бошидан 111 тадан дуркун қўзилар олишга эришди ва унинг 90 фоизини ўстиришга қолдирди. Раҳматли Гулмурод, Бўриқул, Амирхон оталар қадам-бақадам кезиб чиққан Жўнайқудуқ яйловлари бугунги кунда қўй-қўзиларга тўлди.

Амирхон акадан 6 нафар ўғил, 3 нафар қиз қолди. Ўғилларнинг икки нафари ота касбини танлашди. Тўнғич ўғил Ўрозбой эса ветеринария врачи бўлиб етишди. Сулола ўтови ёнида ер ости қудуғи, сўлим боғ ва 6 гектарчалик экинзор бор.

— Отамизни эл-юрт ҳурмат қиларди, — дейди фахр билан Ўрозбек, — Туманда кўплаб шогирдлар етиштирди. Олмос ранг сур қоракўл тери етиштиришга асос солди. Тумандошларимизга, туман ҳокимияти ва қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда ширкат хўжалиги раҳбарларига раҳмат, отамиз хотирасини абадийлаштириб, хўжалигимизнинг 3-бўлимига Амирхон Бўриқулов номини беришди.

■ **Абдимутал НОРБОЕВ**

БИР СУРАТ ТАРИХИ

Анвар ака бу сафар хонага бошқача кайфиятда келди. Шатранж оламида бирор янгилик юз берган бўлса керак, деган хаёлга бордик.

— Мана бу суратдаги сиймоларни қаранг, — деди у сарғая бошлаган суратни кўрсатаркан. — Отамнинг архивидан чиқиб қолди. Қарийб 40 йил олдин олинган экан. Улар санъаткорлар. Уларни хотирласак руҳлари шод бўлур, ҳозир яшаб турганларини қадрласак, эъзоз топур деган ниятда эдим.

Дарвоқе, Анвар ака деганимиз, бу, газеталарда шоҳмот бўйича машғулотлар олиб борувчи, аниқроғи шоҳмот шайдоси. У республикада хизмат кўрсатган артист Нусрат Иноқовнинг зурриёди бўлади. Ўша пайтларда таҳририятда ижодкорлар билан санъаткорларнинг ўзаро гурунгларини ўтказиш анъанаси бўлган. Анвар аканинг суратдаги санъаткору ижодкорлар ҳақида фикр юритиши бўйича, ўтирганлар орасида чапдан иккинчи бўлиб тургани ажиб овоз соҳиби, севимли ҳофиз Жўрахон Султонов. Унинг ёнида эса республикада хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашев. Тик турганлар сафида биринчиси — ўзининг бетакрор овози билан мухлислар ёдида қолган Бахтиёр Йўлдошев бўлса, тўртинчи бўлиб тургани — хизмат кўрсатган артист Аскар Убайдуллаев. Улар қаторидаги саккизинчи — халқ артисти Ғанижон Тошматов. Охиридан иккинчиси эса Анвар аканинг отаси Нусрат Иноқов. Яна улар орасида эл суйган Зокиржон Султонов, Абулқосим Тўйчиевлар ҳам бор. Одил Абдурахмонов (бешинчи) эса газетамизда бўлим мудири бўлиб ишлаган таниқли журналист. Мухсин Умаров (ўнгдан биринчи) ҳам қаламкаш, «Овози тожик» газетасида узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозир қарилик гаштини сураяпти. Қисқаси, Анвар ака таҳририятга бу суратни келтириб, Хотира ва Қадрлаш кунига хос савобли ишга доҳил бўлди.

■ **Мирзо АНВАР**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМ, ЙИҒИЛИШ ВА МАЖЛИСЛАР

ХДП **Наманган, Урганч шаҳар, Норин, Тўрақўрғон, Хазорасп, Хонқа, Қўшкўпир, Урганч, Янгибозор, Янгиариқ туман кенгашларининг** пленумларида «Мамлакатимиз Президенти И.А Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан, Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Ушбу йиғилишларда партия фаоллари, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар. Демократик ислоҳотларнинг янги босқичидаги партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар мунозараларда кенг ўрин тутди.

Ўзбекистон ХДП **Ҳамза ва Чилонзор туман кенгашлари** пленумларида мазкур туман кенгашлари биринчи котиблари — Ш.Файзиев ва О.Ҳошимовларнинг маърузалари муҳокама этилди. Йиғилишларда асосий эътибор партия ташкилотларининг фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва қилинмаган ишларга қаратилди, уларнинг демократик ислоҳотларнинг янги босқичидаги вазифалари белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги **Шайхонтоҳур, Сирғали, Акмал Икромов ва Миробод** туман партия кенгашлари пленумлари бўлиб ўтди. Уларда, тегишлича, мазкур туман партия кенгашлари биринчи котиблари — Х. Бобохонов, Л.Исматова, М. Ёқубов ва Р. Кушевалар маърузалар билан иштирок этдилар.

ХДП **Мирзаобод туман кенгаши** пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. К. Мамарасулова ХДП Мирзаобод туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Д. Қулматов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари К. Оқбўтаев, Мирзаобод тумани ҳокими А. Ибодуллаевлар иштирок этдилар.

ХДП **Қашқадарё вилоят кенгаши** ижроия бюро мажлиси шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари, партиядан сайланган депутатлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон парламентининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган қарорларни тарғиб қилиш ҳамда «ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгашининг аҳоли истиқомат жойларида партия дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан олиб борилган ишлари тўғрисида»ги масалалар юзасидан туман кенгашининг биринчи котиби М. Остоновнинг ҳисоботи муҳокама этилди. Мажлисда фуқаролик жамиятини барпо этишда партия ташкилотларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш, ташкилий-партиявий ва мафкуравий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, **Чироқчи туман партия кенгашининг** кенгайтирилган ижроия бюро мажлисида партия аъзоларининг интизоми ва партия бадалларини тўплашдаги камчиликлар, партиядан сайланган айрим депутатлар фаолиятининг сустлиги, бошланғич партия ташкилотларининг ишларидаги хато ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Йиғилишда ҳар ойнинг охирги ҳафтаси жума куни бошланғич партия ташкилотлари куни, деб эълон қилиниши ва унда партия сайланма органлари аъзолари, партиядан сайланган депутатлар, туман партия кенгаши ходимлари иштирокида бошланғич партия ташкилотларида йиғилиш, учрашув, мулоқотлар ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди.

ҚАРИЯЛАР — ЖАМИЯТ ФАХРИ

ХДП **Қарши туман кенгаши** Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Қоратепа» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда, «Қариялар — жамият фахри» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказди. Партия фаолиятида узоқ йиллардан буён иштирок этган халқ маорифи фахрийлари: М. Абдиев, М. Тўйчиев, Р. Йўлдошев, У. Тўйчиева, Н. Турдиева, Х.Омонова ва С.Омонқуловлар ўз сўзларида мамлакатимизда кекса авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашлари ва ўзларининг жамоат ишида янада кўпроқ фаол қатнашишлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Тадбирда туман кенгашининг биринчи котиби Ш.Амирқулов Ўзбекистон ХДПнинг сиёсий ислоҳотлардаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

ХДП **Сирғали туман кенгаши** ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан халқ маорифини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган, кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилган М. Исмоиловнинг юбилей кечаси ўтказилди. Унга меҳнат фахрийлари, ёшлар вакиллари таклиф этилиб, дастурхон ёзилди, шоир ва санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди. Тадбирда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби Л.Исматова, туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Орипова, шоира З.Мўминова, «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси З.Назировлар партия фаоли — М.Исмоиловани қизғин табрикладилар.

Партия **Асака шаҳар ва Гурлан, Хўжайли туман кенгашлари** бошланғич партия ташкилотларида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Қариялар эъзозда» ва «Эъзозсиз, ҳурматдасиз» мавзудаги тадбирлар ўтказилди. Ушбу учрашувларга турли соҳаларда узоқ йиллар ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган, партия ишларида фаол иштирок этаётган отахон ва онахонларни «давра суҳбатлари»га таклиф қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ



ЖИЗЗАХ СУВ ҚУВУРЛАРИ ЭКСПОРТГА



Жиззах шаҳридаги «LPS Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ишга туширилган эди. Бир йилда 4000 тоннадан зиёд пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада ҳозир ҳар куни 6-7 тоннадан турли хил ўлчамдаги юқори сифатли газ ва сув қувурлари тайёрланаяпти. Бугунгача бу ерда ишлаб чиқарилган 21 000 АҚШ долларидан кўпроқ қийматга эга бўлган маҳсулот экспортга жўнатилди.

✧✧✧

Суратларда: *оператор Зокир Сатторов технологик жараённи кузатиб турибди; қўшма корхона фаолиятидан икки лавҳа.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА МАХСУС ВИЗА

Япониянинг Россиядаги консулхонаси шу йил 31 майдан 30 июнгача Японияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати томошаларига боришни истовчи Россия фуқаролари учун махсус виза жорий этадиган бўлди. «Футбол виза»ларини бир неча бор ишлатиш кўзда тутилмоқда. Ва улар фуқароларга берилган кундан бошлаб уч ой мобайнида амал қилади. Аммо Москвадаги Япония элчихонасининг консуллик бўлими хизматчилари журналистларга тушинтиришларича, чемпионат тугагандан сўнг мазкур визадан фойдаланиб бўлмайди.

КЕМАНИ АҒДАРИБ ЮБОРДИ

Бангладешда юк кемаси ҳалокатга учради. Маълум бўлишича, ҳаво ёмонлашганига қарамай, кема денгизга чиққан. Уни кучли довул ағдариб юборган. Оқибатда уч юздан ортиқ киши қурбон бўлди. Энди кема эгаси бўлган компания суд олдида жавобгарликка тортилади.

ҚОЧҚИНЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚДА

Афғонистонда ҳаёт аста-секин изга тушиб бормоқда. Қочқинлар ҳам қайта бошлади. Сўнгги икки ой ичида Покистондан 420 минг киши келди. 23 йиллик уруш даврида тўрт миллионга яқин қочқин Покистондан бошпана топганди. БМТ мутахассислари тахминига кўра, бу йил бир миллионга яқин қочқин қайтиб келиши мумкин.

МЕТРО ПОЕЗДЛАРИ ҚАТНОВИ ТЎХТАТИЛДИ

Москва метрополитенининг Калинин йўналишидаги Третяковск ва Марксист метро бекатларида поездлар қатнови вақтинчалик тўхтатилди. Сабаб: метрополитен ўтадиган худуднинг ер юза қисмида бурғулаш ишлари олиб борилган. Натижада метро туннелининг қоқ ўртасидан тешиб ўтган бурғу колоннаси поезд йўлини тўсиб қолган.

СКАФАНДРНИ ОЛИБ КЕТИШИ МУМКИН

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида Жанубий африкалик миллионер Марк Шарттлуортнинг фазогирлар билан бирга коинотга учгани ҳақида хабар берган эдик. Мана унинг коинотга сафари ҳам ўз поёнига етди. Қизиғи шундаки, Шарттлуорт космик кеманинг қўндириладиган аппаратини эсдалик учун сотиб олиб кетмоқчи бўлди. Бироқ Россия ҳукумати космик аппарат олиб кетилишига рухсат бермади. Фақат скафандр олиб кетилиши мумкинлигини маълум қилди.

ЗАФАРОБОД «ПАХТА БАНК» АЖ

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Жангоҳларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртимиз марду майдон ўғлонларининг сўнмас жасоратини Хотира ва Қадрлаш кунида фахр билан тилга олади ва уларнинг азиз номларини ёд этиб, чуқур таъзим бажо айлайди.

Шоир Сирожиддин САЙЙИД бундай таърифлайди:

Жилғалар жилдираб сойга келгайлар,
Қошлар камол топиб ёйга келгайлар.
Бир аччиқ аламлар ўйга келгайлар:
Жангларда ўлган ул ўғлонлар гўё
Ҳозир қаторлашиб тўйга келгайлар...
Боқарлар Самарқанд минорларидан,
Урганчу Хиванинг деворларидан,
Кўз узмай Дашнобод анорларидан,
Боқарлар Сурхоннинг самоларию
Тошкент, Фарғонанинг чинорларидан.
Ҳаргиз тўхтамагай ҳаёт карвони,
Унда номингизнинг ёду армони.
Сизга авлодларнинг шараф достони,
Ҳурмат эҳтироми Сизгадир юртнинг,
Сизга бул Ватаннинг шавкату шони.

ДУНЁДА ТИНЧЛИКДАН УЛУҒ НИМА БОР



Муҳаммад ЮСУФ

Тилак ЖЎРА

Шеърият ва шоир абадийлик устунларидир. Улар кўнгил деган мамлакатни юрак қирраларида тутиб турадилар. Ватан деган кенгликни киприклари билан қучадилар. Шунинг учун ҳам шеър ва шоирга ўлим йўқ. Улар абадий ва барҳаётдир.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ва шоир Тилак Жўранинг дафтарларда қолган, лекин ҳали матбуотда эълон қилинмаган шеърлари билан танишиб, бунга яна бир бор имон келтирсангиз ажаб эмас.

ОФАРИН

Меҳру садоқатдан яралган дунё,
Тўкилмасин кумуш сочин толаси.
Юрган йўлларига ёғилсин зиё,
Одамдек яшасин — одам боласи.
Аҳилликда ибратларга офарин,
Кўкси тўла ҳайратларга офарин!..

Боғларни безасин бодом гуллари,
Булоқни уйғотсин тоғлардаги қор.
Бевақт ёшланмасин кўзлар гавҳари,
Дунёда тинчликдан улуғ нима бор.
Офтоби сўнмасин осмонда заррин,
Барча яхши ниятларга офарин.

Болам деб тутганинг бол-нонвотларинг,
Суйиб қучганларинг қайтгай меҳрибон,
Ватан, сочингдан кўп истеъдодларинг,
Довруғинг дунёга таратгай, ишон.
Ҳимояту ҳимматларга офарин,
Нурли йўлда ибратларга офарин.

АСКАР МАКТУБИ

Бу меҳр сут билан сўрилган қанча,
Кўзларга тўтиё тупроғи, гарди.
Ўғиллар суянчиқ ота маконга,
Ватанни қўриқлар йигитнинг марди.

Сиз биздан хавотир олманг, онажон,
Юлдузлар ёритсин оқшомингизни.
Тинч бўлсин момо ер, мусаффо осмон,
Энди биз асрайлик оромингизни...

Уйқунгиз қочмасин хатлар келмаса,
Беҳуда тўкманг кўзёш-нолангиз.
Туғилган юртига қалқон бўлмаса,
Дунёга нимага келган болангиз?..

Сиз биздан хавотир олманг, онажон,
Юлдузлар ёритсин оқшомларингиз.
Тинч бўлсин Момо ер, мусаффо осмон,
Энди биз асрайлик оромларингиз.

Дуолар қилсангиз бизни Сиз қўллаб,
Сиз айтган ҳовлига совчилар йўллаб.
Сиз топган қиз билан тўйлар қилармиз!
Бир кун соғ-саломат қайтиб келармиз.

КЎЗЁШДЕК ТИНИҚДИР БУ ЭЛДА ОСМОН

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Ой билан офтобнинг буюк ватани.
Тонг каби жилмайиб бахти очилган
Майсага кўмилиб нурли бадани.

Кўзёшдек тиниқдир бу элда осмон
Шафтоли шохлари қайрилган онда.
Нақш олма юзига югурганда қон
Офтоб ҳам осилиб, толар армонда.

Бу элнинг қадимий ҳар қўшиғида
Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.
Симёғочга қўнган қуш тумшуғида
Тилладай нурланиб турибди бошоқ.

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Юлдуздай сочилиб, оламга шони
Фидойи ўғилман, ёниб ўпаман,
Олам остонаси — Ўзбекистонни.

БУХОРО МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

«УНИВЕРСИАДА — 2002» РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн биринчи йили баҳори Бухорога ўзгача шукуҳ, тароват, файз олиб келди. Йигирма беш асрлик тарихга эга бўлган шарифу латиф, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар не-не суронли кунлар, йиллар ҳамда асрга татигулик қувончли воқеаларга гувоҳ. Шундай бўлса-да, Бухоро Бухоро бўлиб ҳозиргидек яшармаган, гулларга бурканмаган, янги ойнаванд бинолар, мақтаса арзигулик катта кошоналар билан мукаммаллашмагани рост. Бунинг боиси бор, албатта. Бухороликлар республика олий ўқув юртлари талабалари иккинчи анъанавий «Универсиада»сининг мўйсафид шаҳарда ўтказилишига қарор қилинган кунданоқ бу ишга белларини маҳкам боғлаган эдилар.

Катта байрам тадориги энг аввало эски «Бухоро» ўйингоҳини қайта қуришдан бошланди. Шаҳарнинг қоқ марказидаги бу иншоотни хорижликлар эмас, балки ўзимизникилар қуришни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу боис, замонавий ўйингоҳни барпо этишга вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари, меҳнат жамоалари ҳисса қўшишга шошилдилар. Қарийб бир ярим йил ичида ўнга яқин бош пудратчи, йигирмадан ортиқ ёрдамчи пудратчилар, мингдан зиёд қурувчилар фидойилик кўрсатдилар. Ниҳоят, бугун эски ўйингоҳдан ном-нишон ҳам қолмади. Мутахассис ва Бухорога ташриф буюраётган меҳмонларнинг эътироф этишича, янги ўйингоҳнинг муқобили Марказий Осиёда йўқ эмиш.

— Ҳақиқатан ҳам ўйингоҳ жаҳон андозалари талабларига жавоб бера олади, — дейди Германиянинг «Полетан» фирмаси техник директори Манфред Вальмейер. — Бунда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Жаноб Манфред Вальмейер бундан бир неча кун илгари ўйингоҳнинг югуриш йўлаклари текислигини синчиклаб кўздан кечираётганлигининг гувоҳи бўлгандим. Бунинг сабабини суриштирсак, унинг фирмаси ана шу йўлакларга жаҳон андозаларига хос сунъий қопламалар тўшашни ўз зиммасига олган экан. Бунинг устига ўйингоҳнинг яшил майдонидаги иккита дарвоза ҳамда тўрларни ҳам етказиб беришга ваъда қилибди.

Кўпчиликда янги «Бухоро» ўйингоҳи нимаси билан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади, деган савол туғилиши табиий. Илгариги стадион нари борса 5-6 минг томошабинга мослашган. Унда на спортчилар, на ишқибозлар учун тўла шарт-шароит бор эди. Янги, ҳашаматли ўйингоҳда бемалол 25 минг ишқибоз эркин ўтириб мусобақаларни томоша қилади. Ёғин-сочин ҳамда офтобдан муҳофаза этувчи узунлиги 12 метрли айвон, бугун-эрта Хитойдан олиб келинган пластмасса ўриндиқлар, Голландиянинг «Philips» фирмаси эни 6 метр, узунлиги 11 метр бўлган рақамли улкан электрон табло ўрнатилса, 4 та баландлиги 54 метр бўлган ёритгичлар, ҳамма-ҳаммаси кўркам кошонага зеб бериши шубҳасиз, албатта.

— Марказий ўйингоҳда спортнинг 18 тури бўйича шуғулланиш учун ҳамма имконият бор, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Раҳим Ҳайдарзода. — Бундан ташқари, ишқибозлар учун чиптахоналар, бар ва қаҳвахона, тамаддихоналар мавжуд. Бу эса ўйинни бемалол томоша қилиб ва танаффусда ҳордиқ чиқаришга қулай шароит. Биз ана шундай спорт кошонасини бунёд этишда фаол иштирок этган барча қурувчиларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«Универсиада—2002»да спортнинг 12 тури бўйича ўзаро мусобақалар ўтказилади. Байрамнинг очилишига бағишланган тантаналар «Бухоро» марказий ўйингоҳида, баҳсларнинг аксарияти шаҳардаги бошқа қатор спорт мажмуаларида уюштирилади. Хўш, бу масканларда аҳвол қандай дерсиз? Ҳаммаси аъло даражада, десак муболаға бўлмас. Тўртта спорт мажмуаси тўла таъмирдан чиқарилиб, мусобақаларга шай қилиб қўйилган. Ўғил болалар ўртасидаги баскетбол мусобақалари «Ёшлик»да бўлиб ўтса, қўл тўпи ва сузиш баҳслари эса «Семурғ» спорт мажмуида, стол тенниси «Нафис»да, катта теннис, «Ҳумо» теннис кортида ўтказилади. Бухоро давлат университети, Ф. Хўжаев туманидаги академик лицей спорт залларида қизлар ўртасида баскетбол ҳамда воллейбол мусобақалари ташкиллаштирилади. Ишқибозлар Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида йигитлар ўртасидаги шоҳмот ва волейбол мусобақаларини томоша қиладилар.

Шунингдек, Когон шаҳри, Бухоро, Ромитан, Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Жондор туманларида ҳам мусобақаларни ўтказиш кўзда тутилган. Бу туманларда ҳам тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди.

Уч мингга яқин талаба-спортчилар ва меҳмонларга бағрини очаётган Бухоро бўлажак катта спорт анжуманида янги номлар кашф этилишига умид билан қараб турибди. Ёшларнинг мусобақалардан сўнг маданий дам олишлари учун барча кўнгилочар тадбирлар белгиланган. Шунга мувофиқ, шаҳар маркази, талабалар шаҳарчаси кеча-кундуз гавжумлашади. Беллашувлар ўтадиган кунларда махсус «Олимпия қишлоғи» барпо этилади.

«Универсиада» Республика спорт ўйинлари 26 майда тантанали вазиятда очилади. Бир ҳафта давомида вилоят маданият ишлари бошқармаси жамоаси иштирокчилар ва меҳмонлар учун катта концерт, шоу дастурлари намойиш этади.

— Мусобақалар ўтадиган ҳар бир кун поёнида, — дейди бошқарма бошлиғи Р.Убайдуллаев, — турли кўнгилочар тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар ташкил этамиз. Унда бухоролик эстрада хонандалари, бадиий ва болалар ҳаваскорлик гуруҳлари концерт берадилар. «Бухоро ғунчалари», «Бухоро тароналари», «Ўзбекрақс» вилоят бўлими жамоаси, С. Айний номидаги мусиқали драма ва комедия театри, санъат коллежи талабалари, «Нозанин», «Лайли» халқ дасталари юксак даражадаги томошаларга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Меҳмонларда қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишиш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконияти ҳам бўлади. Бунинг учун элликка яқин янги автоуловлар ҳозирлаб қўйилди.

— Мамлакатимиз раҳбари юртимизда оммавий спортни ривожлантириш, ёшлар ҳаётига соғлом турмуш тарзини сингдириш орқали етук спортчиларни камол топтириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда, — дейди Бухоро шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати К. Камолов. — Наманганда ўтказилган биринчи «Универсиада—2000» Жиззахдаги «Баркамол авлод» ўйинлари, куни кеча Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бунинг яққол исботидир. Шаҳримизда бўлиб ўтадиган республика олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада—2002» спорт ўйинлари иштирокчи ва меҳмонлар хотирасида узоқ сақланиб қолишига ишончим комил.

Гўзаллашган шаҳар «Универсиада—2002» республика спорт ўйинлари очиладиган кунни интиқлик билан кутмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

БРИТАНИЯДА ТАЖРИБА ОШИРИШДИ

Ўзбекистон ҳудудий тиббий марказларининг вакиллари кўп йилга мўлжалланган «Саломатлик» лойиҳаси доирасида икки ҳафта давомида Британия тажрибаси билан танишдилар.

Мазкур лойиҳа Жаҳон банкининг заём маблағлари ва Буюк Британия халқаро ривожланиш бўйича департаментининг гранти ҳисобидан молиялаштирилади. Лойиҳа ижроси доирасида Ўзбекистон ҳудудларидаги бошланғич соғлиқни сақлаш муассасалари тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида хусусий ҳамда давлат муассасаларида бепул ва барча фойдаланиши мумкин бўлган тиббий ёрдамни таъминлаш бўйича Британиянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари «Империал коллеж»да малака оширдилар. Таъкидлаш керакки, ушбу билим даргоҳи дарсхоналарида Нобель мукофотининг қатор совриндорлари таълим олишган. Ҳамюртларимиз мазкур машҳур коллеж ҳамда Лондоннинг бошқа етакчи даволаш ва тадқиқот марказларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳамда оила врачлари фаолияти, диагностиканинг илғор усуллари, касалликлар олдини олиш ва даволаш дастури билан нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

— Ўзбекистон — мустақиллик йиллари давомида МДҲ давлатлари орасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган мамлакатлардан биридир, — дейди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Рифат Атун. — Мамлакатингизни бир неча бор зиёрат этган кезларим соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш борасида салмоқли ўсишга эришилганининг гувоҳи бўлганман. Биз Ўзбекистон раҳбариятининг замонавий соғлиқни сақлаш тизимини бунёд этиш йўлидаги интилиш ҳамда саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва бундан кейин ҳам ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрмиз.

■ **Мардон ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон» АА

ЖАЖЖИ ИСТЕЪДОД

ЖОМБОЙЛИК ЎҚУВЧИ НИГИНА НУРИДДИНОВА БИР ЙЎЛА УЧ СИНФГА КЎЧДИ

Сийрату сурати нозиккина, эндигина 11 баҳорни қаршилаган қизалоқ билан унинг уйида танишдик. Мактаб директори Нигора Авалбоева билан сариштa ҳовлига кирганимизда онаси, тажрибали педагог Сабоҳатхон бизни қарши олди.

— Келинглар, пешиндан кейин ўқишга боради. Ҳозир дарсхонасида, — дея қизини чақиришга чоғланади она.

— Хуш келибсизлар, — дея Нигина болаларча сўрашаркан, унга меҳр билан боқамиз.

— Мактабга олти ёшимда борганман. Лекин унгача ўқиш ва ёзишни ўрганиб олгандим, — дейди қизалоқ. — Дарсларни яхши ўзлаштирдим. Натижада ҳозир учинчи эмас, олтинчи синфда ўқияпман.

Нигина мингдан зиёд шеърларни ёддан билади. Ўзи ҳам шеър ёзади. Мана, янги шеъри:

Ўргай адир бағрида,
Униб чиқди бойчечак.
Салом бериб қуёшга
Қучиб чиқди бойчечак.
Бойчечагим баҳорни
Соғинганим билдингми?
Бизга кўкламойимдан
Элчи бўлиб келдингми?

У ҳар йили вилоят ўқувчиларининг «Ким кўп шеър билади» кўрик-танловида қатнашади. Ҳозиргача ғолибликни қўлдан бермаяпти.

— Тўрт қизим бор. Лекин Нигинанинг қобилияти... Унинг зўриқиши ва чарчашига йўл қўймасликка интиламан, — дейди Сабоҳатхон Нуриддинова.

Ҳа, яна бир юрт ифтихори камол топмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

УЧ ЮЗ КЕКСА САФАРДА

Андижон вилояти ҳокимлиги «Қарияларни қадрлаш йили давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ёши улуғ кишиларга алоҳида эътибор кўрсатмоқда. Шу кунларда андижонлик уч юз кекса Самарқанд ва Бухорога махсус поездда сафарга отланганини ҳам бунинг исботидир. Кексалар буюк аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қиладилар.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимга оналари **МЕНГЛИХОЛ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси, институтнинг «Молия иқтисод» факультети, «Молия» кафедраси доценти Низомиддин Ҳамраевич Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси **ҚОНТИМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA